



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 19 сентябрь, № 194 (9089)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БМТ БОШ ҚАРОРГОҲИДА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЙЎЛИ» КИТОБИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТ бош қароргоҳида бўлиб ўтган «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» номи китобнинг тақдимида БМТ раҳбарияти, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, фуқаролик жамияти фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Тақдимот давомида янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг асосий босқичлари ва устувор йўналишлари ҳақида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистондаги ислохотлар «сиёсий жасорат, стратегик ёндашув ва ижтимоий йўналтирилганлик»ни бирлаштирган комплекс трансформация сифатида юксак баҳоланди. Мамлакатимиздаги ўзгаришлар барча муҳим соҳалар — давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, таълим, соғлиқни сақлаш ва рақамли ривожланишни қамраб олаётгани қайд этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, қатор хорижий давлатларнинг вакиллари ва журналистлар сўзга чиқиб, Ўзбекистонда юз бераётган кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий ислохотларни эътироф этди.

Таъкидланганидек, ушбу ижобий ўзгаришлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Муносабат

БИЛИМЛИ АВЛОД — ВАТАН УМИДИ

Ўқитувчи ва мураббийлар байрами олдида Президентимизнинг соҳа вакиллари билан ўтказган самимий мулоқоти, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билим ва маърифат қанчалик зарур эканининг яна бир исботидир. Илмли жамият — барқарор ривожланиш, интеллектуал тараққиёт ва юқори салоҳиятли келажақ авлод дегани. Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим ва фан соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ҳам ана шу муҳим стратегик мақсадга хизмат қилмоқда.

Таълимда халқаро тажриба ва замонавий технологияларни жорий қилиш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, талабалар учун амалий кўникмаларни шакллантирадиган муҳит яратиш каби чора-тадбирлар натижасида олий таълим сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Бу жараёнда энг муҳим омиллардан бири — ўқитувчилар билан яқин мулоқот. Чунки ўқитувчи ва талабанинг самимий муносабати, тажриба ва билим алмашинувни билим бериш ва олиш сифатини оширишда бекиёс аҳамиятга эга.

Хусусан, ёш ихтирочиларнинг тажриба-синов ишларини молиялаштириш учун қўшимча 100 млрд. сўм ажратилиши амалий қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунаси бўлди. Бундай ёндашув, яъни инновацион гояларни илмий ишланмага, кейин эса саноат маҳсуло-

тига айлантириш мамлакат иқтисодиётининг янги драйверига айланиши мумкин. Масалан, энергия тежайди-ган технологиялар, рақамли дастурий таъминотлар ва «смарт» тизимлар шундоқ ҳам ҳаётимизни ўзгартирмоқда. Бу йўналишлардаги илмий изланишлар фақат илмий эмас, балки тўғридан-тўғри иқтисодий самара берувчи фаолиятдир.

Шу боис муҳандис-ихтирочилар бугунги интеллектуал тараққиётнинг таянчи сифатида қўрилмоқда. Улар яратган ишланмалар, инновациялар нафақат ички бозор, балки халқаро миқёсда ҳам талаб юқори бўлган ечимлардир. Яқинда ўтказилган республика миқёсидаги ихтирочилар танлови ҳам ёшларимизнинг салоҳияти, илмий фикрлаш қобилияти қай даражада эканини намоён қилди.



Сенатор ва ёшлар

ҚОНУНЛАРГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов Наманган давлат техника университетида ёшлар билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида сенатор Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Хусусан, ёшларнинг таълим-тарбияси, бандлиги, илмий изланишлари ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қонунларга киритилган янги ўзгаришлар ҳақида тўхталди.

Ўз навбатида, талабалар ҳам ўзларини қизиқтирган саволлар, таклиф ва ташаббусларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Инсон қадрини улуғлаш орқали одамлар учун муносиб шароит яратиш, бу борада камбағалликни қисқартириш — Янги Ўзбекистондаги барча ислохотлар замиридаги бош мақсаддир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ МАМЛАКАТ ЧЕГАРАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ҚЎЛЛАШ КЕРАК

Хорижий иштирокчилар «Камбағалликдан фаровонлик сари» III халқаро форуми ҳақида



17-18 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида «Камбағалликдан фаровонлик сари» III халқаро форуми бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон етакчиси ўз нутқи-

да дунёда кузатилаётган геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, иқлим ўзгаришлари таъсирида глобал иқтисодий ўсиш секинлашгани, оқибатда камбағал аҳоли сони ошганига эътибор қаратди. Бу ҳолат барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, уму-

ман, дунё ҳамжамияти олдида янги ва долзарб вазифаларни қўяётгани таъкидланди.

— «Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар «Инсон қадрини улуғлаш» деган тамойил асосида амалга оширилмоқда, — деди Президентимиз. — Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишларни амалга оширдик. Барча саъй-ҳаракатларимиз ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга қаратилди.

Камбағалликни қисқартириш бўйича Наманган форумининг хорижий иштирокчилари таъкидига кўра, анжуман халқаро аҳамиятга эга. Бу нафақат Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш тажрибасини ўрганиш ва уни бошқа давлатлар билан бўлишиш, балки келажақдаги муаммоларни муҳокама қилиш имконини берди.



Акс садо

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЯНАДИ



Президентимизнинг Наманган шаҳрида бўлиб ўтган «Камбағалликдан фаровонлик сари» III халқаро форумининг очилишида иштироки ва дунёдаги глобал беқарорлик, иқтисодий инқирозлар ва иқлим ўзгаришлари ортида юзага келаётган қашшоқлик муаммосига эътибор қаратгани, бу борада билдирган муҳим ташаббуслари иштирокчилар, етакчи сиёсатчилар, умуман, жаҳон ҳамжамияти томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Нуфузли анжуманда қатнашган сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари бу ҳақда ўз муносабатларини билдирди.



УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНГАН ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбарининг «Камбағалликдан фаровонлик сари» мавзусидаги III халқаро форумнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, янги Ўзбекистонда барча ислохотлар «Инсон қадрини улуғлаш» деган тамойил асосида амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар, аввало, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришни ўз ичига олади. Чунки инсон қадрини фақат сўзда эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётида, иқтисодий имкониятларида ўз аксини топиши керак.

Нуктаи назар

Камбағаллик — нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммо ҳамдир. У инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга, таълим олиш, соғлигини сақлаш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига тўсқинлик қилади. Шу боис янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар ёпиқ мавзу бўлиб келди. Фақат 2020 йил 24 январь куни Президенти-

мизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, айнан тадбиркорликни ривожлантириш, таълимга эътиборни ошириш ва касбга тайёрлаш орқали камбағалликни камайтириш мумкинлиги қайд этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, камбағалликдан чиқишнинг энг тўғри йўли — бу таълим сифатини яхшилаш. Ишчи болалардан бошлаш керак. Билимли, маърифатли инсон, тадбиркорлик руҳида ўсиб

ўлғаяётган авлод тибиёқ билан ўқийди, яхши ҳаёт қуриш, ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлаш учун ишлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида жадал амалга оширилаётган ислохотлар сиёсий, иқтисодий, маъмурий, ижтимоий-маънавий соҳаларни қамраб олиши билан бир қаторда камбағалликка ҳам буткул барҳам беришга хизмат қилади. Камбағалликка қарши пул билан эмас, ақл ва билим билан курашиш керак. Шунинг учун камбағалларга «балиқ эмас, қармоқ бериш», яъни уларни билимли қилиш, касбга ўргатиш ва бизнесга тортиш — энг тўғри йўл. Президентимизнинг қайта-қайта таъкидлаётгани «Менинг энг катта мақсадим — одамларни бой қилиш» деган сўзлари замирида айнан қашшоқликни тугатиш мақсади ётади.

Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш,

уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини кўпайтириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан хайрли ишлар амалга оширилди. Илмий ислохотлар туфайли 7,5 млн. аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, унинг даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. 2025 йил якунигача бу кўрсаткични 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмади. Президентимизнинг прагматик ва оқилона сиёсати туфайли ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсгани, йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етиши бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Янги ташаббус ва тажрибалар синовдан ўтказилди. Дунёдаги ижобий ютуқлар ўрганилиб, камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон модели яратилди. Бутун халқаро жамоатчилик бу моделни эътироф этди.

Ўхшаши йўқ янги тизим ўзини оқлади

Аввало, ўтиш даврининг муҳим инструменти бўлган манзилли ижтимоий дастурлар жорий этилиб, барча эҳтиёжманд оилалар қамраб олинди. Пандемия даврида 800 минг оилага бепул дори-дармон, 255 минг оилага озик-овқат маҳсулотлари, яна 1 млн. 200 минг оилага ижтимоий нафақатлар берилди. Бу мақсадлар учун жами 8 млрд. долларлик маблағ ва имтиёзлар тақдим этилди. Натижада 5 млн. 200 минг нафар одам «камбағаллик қопқони»га тушиб қолишдан ҳимоя қилинди. Шу йилнинг ўзида 2 млн. 700 минг аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Айниқса, камбағал оилаларнинг парваришга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилгани туфайли 50 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли учун иш-лаш имкони яратилди.



Факт ва рақамлар

Сўнгги саккиз йилда одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, энг мураккаб даврда камбағалликка қарши кураш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, умуммиллий ҳаракатга айлантирилди.

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ТУФАЙЛИ

- камбағалликни қисқартириш бўйича **Янги Ўзбекистон модели** яратилди;
- **7,5 миллион аҳоли** камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда **8,9 фоизга** туширилди. Йил якунигача уни **6 фоизга** камайтириш мақсад қилинган;
- ўтган даврда иқтисодиётимиз **2 қарра ўсиб**, йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад **3,5 минг долларга** етказилди;
- маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили **2,5 — 3 миллиард доллар** йўналтирилмоқда.

Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадар **камбағалликни 2 қарра қисқартириш** бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришга ҳаракат қилаяпти.



БИЛИМЛИ АВЛОД — ВАТАН УМИДИ

Танлов ғолиблари электромобил, хорижий стажировка ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Айни пайтда бу каби танловларни олий таълимнинг барча йўналишларида ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, яратувчанлик муҳитини янада кенгайтиришга хизмат қилади, ҳар бир ёшга, ўқитувчи ва тадқиқотчиға ўз салоҳиятини намоён этиш имконини беради.

Бугунги кунда таълим сифатини ошириш ва уни халқаро андозаларга мослаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг дунёдаги етакчи университетлар билан ҳамкорликни кучайтириш, рейтинглардаги мавқеини яхшилашга интилиши таълим тизимининг янги босқичга кўтарилгани намоянидир. Масалан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг миллий тадқиқот университети мақоми-ни олиши ва жаҳоннинг “ТОП — 500”-талиқка кирган университетларидан бири-

га айланиши ушбу ислохотларнинг амалий натижасидир.

Ушбу университет вакили, ёш олимнинг сув таъминоти бўйича яратган муҳандислик ечими нафақат юртимизда, балки АҚШда ҳам қўлланилаётгани билимга сарфланган меҳнатнинг, илмий ёндашувнинг нақадар муҳим эканини кўрсатади. Бу биргина ишланма нафақат ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, балки мамлакатимиз нуфузининг халқаро майдонда юксалишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Эртанги кун тараққиёти билимли, инновацион фикрлай оладиган авлод зиммасида. Бизда эса бой табиий ресурслар, салоҳиятли ёшлар ва уларга кенг имконият яратаётган давлат сиёсати мавжуд. Галдаги асосий вазифа — ана шу имкониятларни тўлақонли ишга солиш, изланишдан тўхтамаслик ва янгилик яратишдан ортга чекинмаслик.

Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ТАЪЛИМДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Президентимизнинг таълим соҳасига эътибори айни шунга асосланган. Ва шу кунларда мазкур соҳага оид иккита йиғилиш ўтказилгани ҳам бунинг исботи, десак, айни ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида инсон капиталининг ўзаги бўлган таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўли, деб таъкидлайди. Тўғри, ҳар бир мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам ўзига яраша таълим муаммолари бор. Демак, бугунги кун талаби — таълим сифатини ошириш бўйича қўйилган масалаларни бир-галикда ҳал қилсак, албатта, бунинг самарасини ўз ҳаётимизда кўрамиз. Асосийси, тизимли бу ишлар ўз меваларини ҳам бера бошлади.

Мисол учун, таълим тизимига, хусусан, ўқитувчининг обрў-эътибори ва ойлик иш ҳақи миқдорини оширишга қаратилаётган эътибор тўғрисида Самарқанд вилоятида минг долларга тенг ойлик оладиган ўқитувчилар соми ҳар йили кўпайиб бормоқда. Бу 2021 йилда 5 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда — 52, 2023 йилда — 71, 2024 йилда — 135, жорий йилда эса 249 нафар педагогимиз минг доллардан зиёд иш ҳақи оляпти.

Ёки мактабларда жорий қилинган 2 та хорижий тил ва 1 та касбни ўргатиш тизимини олайлик. Бу ташаббуснинг аҳамияти ва самараси

раси ҳар қадамда кузатиляпти. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 43-мактабда француз тилини ўқитиш бўйича фаранг давлати билан яхши алоқа йўлга қўйилган. Франция Республикаси Президентининг вилоятимизга ташрифи давомида ушбу мактаб ўқувчилари жаноб Эммануэль Макрон билан шахсан учрашган эди. Хозирда мактаб битирувчиларидан Шаҳбоз Ғайбуллаев ва Нигина Мамарасулова Франциянинг Сарбонна университетига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Шунингдек, мактабнинг 5 нафар француз тили ўқитувчиси Ницца шаҳридаги институтда малака ошириб келди. Бугунги кунда ушбу мактабда учта — ўзбек, француз ва рус тилида дарс машғулотлари олиб бори-моқда.

Таълимдаги бундай ислохотлар самарасига вилоятимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Асосийси, жорий йилда вилоятимиздаги мактаб битирувчиларининг 342 нафари чет давлатлар олий таълим муассасаларига грант ютиб, муддатидан олдин талаба бўлди.

Бундан ташқари, ўтган ўқув йилида халқаро олимпиадаларда 15 нафар ўқувчи

иштирок этиб, 4 нафари фахрли ўринларни қўлга киритди. Масалан, Ҳиндистонда бўлиб ўтган ва 30 та давлатдан 576 нафар иқтидорли ўқувчи қатнашган халқаро математика мусобақасида Каттакўрғон туманидаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Давронбек Дониёров ғолиблар сафидан жой эгаллаб, бронза медалъ соҳиб бўлди.

Мактабларга киритилаётган инвестиция ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Негакки, фақатгина сўнгги икки йилда 182 та (5 та янги қурилиш, 164 та реконструкция ва 13 та мукамал таъмирлаш) мактабда 687,2 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада умумтаълим мактабларида 47 953 янги ўқувчи ўрни яратилиб, мавжуд 8 304 ўринли бинолар мукамал таъмирланяпти.

Эришилган натижалар, юксалиб бораётган кўрсаткичлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Муҳими, истиқболда бизни бундан-да юксак натижалар кутмоқда. Чунки мақола аввалида айтилган Президент ва таълим соҳаси вакиллари учрашувидан устоз-педагоглар учун кўплаб имконият ва имтиёзлар берилди. Булар, албатта, таълим-тарбияда ижобий ўсиш бўлиб, ўз сўзини айтади.

Марям НИЯЗОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутатлари ва котибияти ходимларидан иборат делегация Хоразм вилоятига таширф буюрди.

Тажриба алмашув

Ташриф вилоятлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш ва доимий комиссиялар иш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашув мақсадида ташкил этилди.

Делегация аъзолари халқ депутатлари Гурлан тумани Кенгаши фаолияти билан яқиндан танишди. Уларга ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, депутатлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган янги иш услублари ҳақида маълумотлар берилди.

Шунингдек, делегация халқ депутатлари Хоразм вилояти, Урганч ва Хива шаҳар Кенгашлари фаолияти, депутатлар ташаббуслари ҳамда котибиятлар иш услублари билан ҳам қизқикди.

Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ишини ташкил этиш, депутатларнинг сайловчилар билан мунтазам мулоқотини йўлга қўйиш, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик, сессиялар ва назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, жиззахлик депутатлар Гурлан туманидаги “Gurlan Global Tex” МЧЖ, Хива шаҳридаги “Хива ғилам комбинати” МЧЖ фаолияти, шунингдек, Урганч шаҳридаги Ахборот-таҳлил маркази ва “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Паҳлавон Маҳмуд ва Юсуф Ҳамадоний

қабрларини зиёрат қилишди. Айниқса, “Арда Хива” туризм маскани делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар котибиятлари мудирларидан иборат делегация халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига ташриф буюрди.

Учрашув маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини кучайтириш ва ўзаро тажриба алмашув мақсадида ташкил этилди.

Ташриф давомида делегация Қизилтепа, Кармана ва Нурота туманлари ҳамда Навоий вилояти Кенгашлари фаолияти билан танишди. Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги” иш тажрибаси ва ижтимоий химояга муҳтож хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, депутатларнинг сайловчилар билан мулоқот олиб бориш усуллари ўрганилди.

Шунингдек, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ва Навоий иссиқлик электр станциясидаги имкониятлар, янги лойиҳалар ҳамда битирувчилар бандлиги масалалари кўриб чиқилди. Делегация аъзолари тадбиркор-депутат А. Саксанов ташаббуси билан қурилган замонавий 22-сонли мактаб фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Навоий шаҳрида халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2025 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлари бўйича тақдимот ўтказилди.

«Халқ сўзи».



ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ МАМЛАКАТ ЧЕГАРАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ҚЎЛЛАШ КЕРАК

Луис Фелипе ЛОПЕС-КАЛЬВА, Жаҳон банкининг глобал директори:

— Форум халқаро аҳамиятга эга. Бу нафақат Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш тажрибасини ўрганиш ва уни бошқа давлатлар билан бўлишиш, балки келажақдаги муаммоларни муҳофама қилиш имконини беради. Асосий эътибор “Камбағалликдан фаровонли

лик сари” глобал кун тартибига, камбағалликни қисқартириш ва барқарор ривожланиш имкониятларини яратишининг самарали йўллари топишга қаратилган.

Ўзбекистон камбағалликка қарши курашда ўзини жаҳон етакчиси сифатида намоян қилди. Унинг ютуқларидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида фойдаланиш мумкин ва керак. Бу муваффақиятнинг асоси инклюзив ўсиш, хусусий секторнинг фаол иштироки, тадбиркорликни, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тамойилларига содиқликдир. Бу сайёҳаракатларнинг уйғунлиги бугунги кунда биз кўраётган ихобий натижаларни бермоқда.

Симонетта СИЛИГАТО, БМТнинг Лойиҳа хизматлари бўйича (UNOPS) Австриядаг ваколатхонаси директори:

— Халқаро форумда иштирок этиб, Ўзбекистон ҳукумати сўнгги 30 йил давомида эришган ажойиб натижалар ҳақида маълумотга эга бўлдим. Мамлакат камбағалликни сезиларли даражада қисқартирди ва барқарор ривожланишининг кўлаб соҳаларида — иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳаларида, таълим-тарбияда ижобий ўсиш бўлиб, ўз сўзини айтади.

рида муваффақиятларга эришди. Буларнинг барчаси халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик тўғрисида амалга оширилди. “UNOPS” миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон ҳукумати билан Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва Ислам тараққиёт банки каби ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан фойдаланди.

Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида амал-

га оширилаётган ислохотлар юксак самаралар кўрсатмоқда. Унинг раҳбарлиги ўз халқи, унинг келажаги ҳақида чинакам қайғуришининг ёрқин намунасидир.

Бу ислохотларнинг аниқ натижалари шуки, тобора кўпроқ болалар таълим олмақда, ёшлар олий ўқув юртлариға ўқишга кирмоқда, хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятлари кенгаймоқда. Президент Шавкат Мирзиёев билимли аёл нафақат ўз ҳаётини, балки келажақ авлод тақдирини ҳам ўзгартиришини тўғри таъкидлади. Хотин-қизларнинг роли ва таълимга қаратилаётган ушбу стратегик эътибор мамлакат келажагига қўйилган сармоя бўлиб, бутун жамият учун фойда келтиради.

Фахри СОЛАҚ, Турк дунёси муниципалитетлари иттифоқи бош котиби:

— Биз 17 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Наманганда очилган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумда иштирок этиш учун Истанбулдан келдик. Залдаги байроқлардан кўриниб турибдики, бу ерга турли мамлакатлардан 200 дан ортиқ мухассислар, экспертлар, раҳбарлар тўпланган. Бундай кенг қўламли форумнинг пойтахт Тошкентда эмас, балки Наманганда бўлиб ўтганида ҳам рамзий маъно бор.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи кенг қамровли ва мазмунли бўлди. Утган саккиз йилда камбағалликка қарши курашиш борасида амалга оширилган сиёсат ва чора-тадбирлар, эришилган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг қисқа вақт ичида сезиларли даражада яхшиллангани дўст ва қардош Туркия учун қувонарли янгиликдир.

Анди АРАНИТАСИ, Европа тиклиши ва тараққиёт банки (ЕТБ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ва директори:

— Ўзбекистон жуда қисқа вақт ичида камбағалликни қисқартириш бўйича ажойиб натижаларга эришди. Бу мамлакат раҳбарияти олиб бораётган сиёсатнинг бевосита натижасидир.

Ўзбекистон Президенти камбағалликка қарши курашиш бўйича тизимли ёндашувни ишлаб чиқди, уни ривожланишнинг асосий мақсадиға айлантирди.

Президент ўз нутқида сўнгги йилларда амалга оширилган қатор чора-тадбирлар мамлакатнинг бугунги кундаги кўрсаткичларига хизмат қилганини айтди. Айниқса, унинг улкан мақсади — “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ 2030 йилгача Ўзбекистонни камбағалликдан тўлиқ олиб чиқиш. Президентингиз айтганидек, бунга эришиш жуда қийин бўлади, шунинг учун ҳам ушбу форумнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш шарт эмас деб ўйлайман. Бу ерда халқаро ва миллий ҳамкорлар иштирокида мамлакат ана шу эзгу мақсад сари олға силжишиға хизмат қилувчи тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Муҳаммад Зубайр Ашраф УСМОНИЙ, “Habib Bank Ltd” шариат кенгаши раиси (Покистон):

— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуманининг очилиш маросидаги нутқини катта қизиқиш билан тингладим. Унинг нутқи маълумотларға бой ва илҳомлантирувчи бўлди. Давлатингиз раҳбари

ҳукуматнинг камбағалликка қарши курашиш бўйича амалга ошираётган муҳим дастурлари ҳақида гапирди ва бу сайёҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон тажрибасини мамлакат чегараларидан ташқарида ҳам қўллаш дунё аҳолиси

фаровонлигига хизмат қилади. Камбағалликка қарши курашиш глобал муаммо ва Ўзбекистон модели эса кўлаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

Мен халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистон ташаббусларига эътибор қаратишға, бу тажрибани ўзлаштиришға, ўз халқлари манфаати йўлида қўллашға қақирмоқчиман.

«Дунё» АА.
Наманган

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА

Жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, маҳаллабай ишлаш тизимининг йўлга қўйилгани ўзини ҳар томонлама оқлади.

Хар бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадни кўтариш учун етарли ресурс ажратилди. Қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш учун 235 минг гектар пахта ва ғалла майдонли қисқартирилиб, одамларга 30 — 50 сотихдан ер ажратишди. Ушбу маблағларни янада кўпайтириб, келгуси йили яна 2 млн. аёл доимий даромадли бўлиши учун шароит яратиш мақсад қилинган. 2026 йилдан меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш мақсадида ижтимоий сўғурта тизими қамрови кескин оширилади. Бу уларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди. Қолаверса, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада кўтартириш бўйича янги-янги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида келгуси йил Наманганда Осиё ишбилармон аёллар форумини ўтказишға қарор қилинди.

700 минг аёл ишли бўлгани таҳсинга сазовор.

Бу ишни давом эттириб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг нафар қизни IT, финтех ва сунъий интеллектға ўқитиш режалаштириляпти. Бундан ташқари, аёллар тадбиркорлигини қўлабқувватлаш учун 1,5 млрд. доллар ажратилди. Ушбу маблағларни янада кўпайтириб, келгуси йили яна 2 млн. аёл доимий даромадли бўлиши учун шароит яратиш мақсад қилинган. 2026 йилдан меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш мақсадида ижтимоий сўғурта тизими қамрови кескин оширилади. Бу уларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди. Қолаверса, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада кўтартириш бўйича янги-янги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида келгуси йил Наманганда Осиё ишбилармон аёллар форумини ўтказишға қарор қилинди.

Одамларни касбға ўргатиш — муҳим масала

Камбағалликдан чиқишнинг энг муҳим йўналишларидан бири — одамларни касбға ўргатиш. Чунки ҳамма ҳам бизнес юрита олмайдди. Оммавий тарзда кредит ажратилиши ҳам вазиятдан чиқишға имкон бермайдди. Камбағалликни қайтариш — одамларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, ички қуч-қуввати ва

лар, меҳнат ва тадбир билан ҳосил бўлади.

Ҳали-хануз томорқасидан фойдаланишни билмайдиганлар оз эмас. Рақамлар эса қуйидагича: ўз томорқасига эга 5 млн. 105,5 мингдан ортиқ хонадонлардан қарийб 176 мингтаси ердан самарасиз фойдаланмоқда. Бу дегани, ўн сотих ерга тўртта дарахт экиб, ерга кетмон урмаслик ёки катта майдонға фақат жўхори ва беда экиш ҳам самарасизликдир. Биз одамлар томорқада умуман ишламайпти, деган қарашдан йироқмиз. Лекин имкониятнинг катта қисмини бой бераётганимиз ҳам аччиқ ҳақиқат.

Холат рақамларда кўзға аққол ташланади. Агар унумдорлиги паст томорқаларнинг ҳар бирини шартли равишда ўртача 5 сотихдан деб олсак, умумий ҳисобда салкам 9 минг гектар ердан унумли фойдалана олмаётган бўламиз. Аслида, қишлоқ шароитидаги аксарият томорқалар майдони 5 сотихдан катта. Бу минимум ҳисоб-хисобда ҳам жуда катта йўқотиш, дегани. Ёнма-ён икки қишлоқда, ҳатто икки қўшни томорқасида икки хил аҳолининг кўп қўрганимиз. Умуман олганда, томорқаси бор одам камбағал бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳайхотдек томорқаси бўла туриб, рўзгорини тебратолмай юрганлар бор.

Афсуски, қишлоқ хўжалигида кўп депсинишлар бўлди, ерга хўжасизларча муносабат давом этди. Буларнинг оқибатини изоҳлаб ўтиришға зарурат бўлмаса керак. Агар қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиб,

Йил якуниға қадар мамлакатимизда камбағаллик даражасини 6 фоизгача қайтариш мақсад қилинган.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЯНАДИ

←1 Актам ҲАЙТОВ, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:
— Бугун камбағаллик масаласи давлатлар учун стратегик вазифага айланди. Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда қашшоқлиқни қисқартиришда янги моделини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этди. Бу, энг аввало, манзилли ижтимоий дафтарлар, маҳаллабай ишлаш тизими, эҳтиёжманд аҳолини даромад манбалари билан таъминлаш каби чора-тадбирларда кўзга ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини тақомиллаштириш ва самарадорлиқни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги ва бошқа қонунлар аҳоли бандлиги ҳамда реал даромадларини муттасил ошириш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш, пировардидан одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаётди.

Бугунги кунда камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратилган. Фаол инвестиция сиёсати туфайли биргина шу йилнинг ўзига 35 млрд. доллар сармоа эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхоналар, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Давлатнинг бизнесга шароит яратиб бераётгани, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишга ва даромадли қилишда кўмакчи бўлаётгани боис жорий йилнинг ўзига 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзолари доимий ишга бўлди. Бу юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро шахсан Президентимиз эътиборида эканидан далолат беради.

Мазкур форум камбағалликка қарши курашда комплекс ёндашуви муҳоама қилиш учун глобал майдон яратди. Унинг доирасида Президент таъкидлаган еттига устувор йўналиш — барқарор иш ўринлари яратиш, сифатли таълим, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат харажатларини самарали йўналтириш долзарб мавзулар сифатида қайд этилди.

Ўзбекистоннинг 2026 йилда Хивада халқаро конференция ўтказиш ташаббуси қашшоқликка қарши курашда янги молиявий архитектура яратишда муҳим босқич ҳисобланади. Бу билан мамлакатимиз нафақат ички сиёсатда, балки глобал иқтисодий муносабатларда ҳам фаол иштирокчи сифатида намоён бўлади.

Мазкур форум бугунги глобал иқтисодий муаммолар фонида бекиёс аҳамиятга эга. Унинг натижалари эса узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини мустақамлаш, дунё мамлакатлари билан таъриба алмаштириш ва камбағалликка барҳам беришда муҳим қадам бўлади.

Ушбу нуфузли тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва белгилаб берилган вазифалар, албатта, парламент

вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Алишер КОДИРОВ, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари нутқида илгари сурилган барча ташаббуслар бугун ижтимоий ҳаётнинг ўқир эҳтиёжларига қаратилгани билан жуда муҳимдир.

Айтиш мумкинки, камбағаллик тақдир эмас, шахснинг ҳаракатсизлиги, ўзига нисбатан масъулиятсизлиги ва айрим ҳолларда хато иқтисодий сиёсатнинг оқибатидир.

Янги Ўзбекистон даврида тан олинган 20 фоиздан ортиқ бўлган, қисқа даврдаги катта савий-ҳаракатлар билан 6 фоизгача туширилган камбағаллик айнан совет давридаги хато иқтисодий сиёсатнинг оқибати эди ва у мустакил Ўзбекистоннинг илк йилларида кўриниб турган бўлса-да, усти ёпиб қўйилди.

Дунё эътирофидagi янги Ўзбекистон ислохотлари билан нафақат камбағаллик бoрлиги тан олинди, балки муаммони бартараф этиш учун иқтисодий сиёсат тубдан ўзгартирилди. Кўп бўлмаган вақтда 700 мингга яқин барқарор тадбиркорлик субъектлари ва 3 миллионга яқин мунтазам иш ўринлари яратилди.

Энг муҳими, тадбиркорнинг давлатга, давлатнинг тадбиркорга ишончи тикланди ва қонунлар амалдаги заруратларга мослашсини бошлади. Ўзимизни алдашни бас қилдик, муаммоларни очик-ойдин муҳоама этиб, бир бутун халқ сифатида ечимлар изладик ва ечимлари ҳам топилди.

Наманганда “Камбағалликдан фаровонлик сари” мавзусида ўтказилган халқаро форумда иштирокчилар томонидан Ўзбекистон таърибасининг Ўзига хослиги алоҳида эътироф этилди. Шу билан бирга, йирик халқаро молиявий институтлар вакилларининг фикрига кўра, дoнoр ташкилотлар Ўзбекистон таърибасидан келиб чиқиб, камбағаллиқни қисқартириш мақсадини молиялаштириш тизимида ислохотлар қилиш зарурати ҳақида ўйлай бошладилар.

Камбағал оиланинг ҳеч бўлмаса бир нафар фарзанди олий маълумотли бўлиши, хотин-қизларнинг илм олишини молиялаштириш, мактабдан оқ боланинг иқтидорига тўғри баҳо бериш ва тўғри йўналтириш орқали камбағалликдан кўра кўпроқ уни келтириб чиқараётган омилар билан курашишга эътибор берилгани муваффақиятнинг қил қилувчи омиларидан бўлганини таъкидлаш лoзим.

Миллий кадриятларимиздаги “Қўшнинг оч бўлса, сен тўқ бўлмайсан”, “Жаҳолатни фақат маърифат даволайди”, “Қиз болани ўқитиш миллатни ўқитиш”, “Қалбнинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”, деган мезонлар билан тарбия қўридангиз ўзбек халқи “камбағаллик” деган бугунги замон ҳасталигини самарали даволашда намуна бўлиши керак.

Робохон МАХМУДОВА, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:

— Наманган шаҳри мезбонлик қилган халқаро форум ижтимоий сиёсат масалаларини муҳоама қилиш учун муҳим майдон бўлди. Унда 30 дан ортиқ нуфузли ташкилотлар ва 200 га яқин халқаро экспертлар иштирок этгани Ўзбекистоннинг бу соҳадаги таърибасига қизиқиш ортиб бoраётганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолига муносиб иш ўринлари яратиш,

даромадларини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Энг муҳими, камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди ва у умуммиллий ҳаракатга айланди.

Натижада 7,5 млн. аҳоли камбағалликдан чиқарилди. Бу бoрадаги кўрсаткичлар ўтган йили 8,9 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йил якунига қадар 6 фоизгача тушади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг икки бaравар ўсиши ва даромаднинг аҳоли жон бошига 3,5 минг долларга етказилиши билан чамбарчас бoғлиқдир.

Президентимиз ўз нутқида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, уларга олий таълимда ўқиш учун фoизсиз кредитлар ажратилаётгани, магистратурада бeпyл таълим тизими жорий этилгани талабалар орасида аёллар ҳиссасини 53 фоизгача етказишга замин яратди. Жорий йилнинг ўзига 1 млн. 700 минг нафар хотин-қиз иш билан таъминлангани ҳам ислохотлар самарадорлигидан далолат беради.

Камбағалликка қарши курашда аҳолининг соғлиғи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, улар йилга бир марта тўлиқ тиббий қуриқдан ўтказила бошланди. Кафoлатланган тиббий хизматлар пакети орқали камбағал оилаларнинг даволаниш харажатлари икки бaрoбар қисқартирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизими тубдан ислоҳ қилиниб, ягона Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Қисқа муддатда ҳар бир туман ва шаҳарда 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар қўрсатилган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолият бошлади. Бу тизим аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари билан манзилли ишлашда замонавий ва самарали ёндашуви таъминлайди.

Ушбу форум Ўзбекистоннинг соҳадаги таърибасини намойиш этиш билан бирга, халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим ўрнак бўлди. Янги Ўзбекистон модели инсон қадрини улуғлаш, инсон капиталини ривожлантириш, шу орқали ҳамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш механизмига таянади.

2030 йилга қадар камбағалликка тўлиқ бaрҳам бeриш мамлакатимиз учун амалий қадамлар билан асосланган мақсаддир. Давлат харажатларининг 70 фоизидан ортиғи барқарор ривожланиш мақсадларига йўналтирилаётгани бунинг ёрқин исботи, десак тўғри бўлади.

Президентимиз нутқида айтилган рақамлар ва фактлар глобал масалаларга ечим излашда Ўзбекистоннинг фаол позициясини ҳам кўрсатади. Янги Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашиш модели халқаро майдонда муносиб таъриба сифатида эътироф этилиши, шубҳасиз.

Улўббек ИНОЯТОВ, ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Халқаро форум очилишида Президент Шавкат Мирзиёев турли муаммолар тасвирида глобал иқтисодий ўсиш секинлашгани, оқибатда жаҳонда камбағал аҳоли сонини ошганига эътибор қаратди. Бу ҳoлат бaрча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдига янги ва долзарб вазифалар қўётгани таъкидланди.

Ўзбекистон шундай қаҳирққа муносиб жавoб бeришга интилмоқда, ҳар бир инсон имкониятларини кенгайтиришга жазм этмоқда. Ҳар

бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадини ошириш учун ресурслар йўналтириляпти.

Камбағаллиқнинг асосий сабаблари таълимнинг, мунтазам ва профессионал касб-хунарнинг етишмаслиги, ҳимоянинг керак пайтда кўрсатилмаслиги билан бoғлиқ. Камбағал оилада ўсган болалар керакли таълимни ололмаса, ота-она хунар ва меҳнат билан фикри ва ҳаракатини ўзгартирмаса, бундай оилада вазият янада мураккаблашиши турган гап.

Шунинг учун нутқда таъкидланганидек, сифатли таълим инсон капиталини ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағаллиқни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолади.

Битта мисол, камбағал оила болаларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун шароит яратилади. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий тил ва касб-хунар ўрганишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизи қoғлаб бeрилади. Ота-она кичик фарзандини бoғчага қўйиб, меҳнатга уринди, мактаб ёшидаги болалар эса замонавий билим ёки касб-хунар ўрганиш бўйича жуда қулай имкониятларга эга бўлади. Бу оиланинг барча аъзоларига нисбатан манзилли, тизимли ёндашуви ҳисобланади.

Энди Касбга таёйрлаш халқаро марказлари ташкил этилиб, уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинмадиган сертификатлар бeриш йўлга қўйилди. Яъни энг замонавий, асосийси, керакли касбларга таёйрлаш доимий бандлик учун нийoятда муҳимдир.

Ҳимоянинг вақтида ёки тўғри манзилда кўрсатилмаслиги камбағал оилалар ҳoлатини яна оғирлаштириши мумкин. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ягона тизим бўлди, натижада ҳар бир туман ва шаҳарда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, 100 дан ортиқ хизматлар “бир дарча” тамойили асосида кўрсатилмадиган бўлди. Камбағал оилаларнинг парварошга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилган 50 минг нафар юрtdошимизга бeҳавoтир ишлаш имконини яратди.

Бу жуда муҳим, ҳаётни ўзгартариш учун жуда аҳамиятли рақамлар. Мазкур кўрсаткичларда минглаб оилалар, миллионлаб юрtdошларимизнинг ҳаёти, дунёқараши, интилиши ўзгараётгани акс этмоқда.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига интилиш, ижтимоий-иқтисодий хатарлар билан ҳисоблашиш, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришга ҳаққи бoрлигига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва бунга шарoит яратиш ҳар бир давлатнинг, халқаро ташкилотларнинг бош вазифаларидан бирига айлангани бeжиз эмас.

Ўзбекистон бу масъулиятга муносиб ҳаракат қилляпти. Нутқда келтирилганидек, давлат харажатларининг 70 фоиздан ортиғи айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфланмоқда.

Ўзбекистон Президентини бу бoрада жуда ҳаётий масалани кўтарди. Яъни хавф-хатарларни объектив баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “камбағалликка қарши курашнинг янги молиявий архитектураси”га эҳтиёж сезилаётгани билдирилди.

Халқ демократик партияси камбағаллиқни қисқартириш, инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, ҳар бир инсонга шароит ва имконият бeришдек эзгу ҳаракат ҳамда ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сўнгги саккиз йил ичида амалга оширилган изчил ислохотлар туфайли Ўзбекистонда 7,5 млн. аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилганини алоҳида қайд этди. Бунинг ортида қанчалик улкан меҳнат, оқилона бошқарув ва энг муҳими, катта сиёсий ирода турибди. Айниқса, бир вақтлар камбағал эканини ҳаётга айтишга ҳам чўчийдиган, бугун эса йил — ўн икки ой томорқасидан даромад олиб, етиштирган лимонини экспорт қилаётган деҳқон буни жуда яхши англайди.

Бугун одамларнинг эҳтиёжини кечаги кун билан солиштириб бўлмайди. Инсонлар эҳтиёжи кундан-кун ошиб бoраётган, ресурслар чекланган бир шарoитда мамлакатни камбағаллик бoтқoғидан чиқариш жуда катта марра. Бунинг учун узвий занжирга асосланган тўлақoнли тизим яратилди. Доимий иш ўринларини кўпайтириш, одамларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши, ҳудудлардаги инфратузилмани янгилаш — буларнинг бaрчасини хал қилиш талаб этилади. Энг асосийси, одамлар тафаккурини ўзгартириш, фаровонликка олиб бoрадиган йўлга уларни ишонтира олиш асосий вазифалар сирасига қиради. Ўзбекистон қисқа муддатда мана шу йўналишларда ўзининг қатъий позициясини намоён қилди ва бу дастлабки натижаларини кўрсатмоқда.

Сир эмаски, ишсизлик муаммоси ҳoзирда деярли бaрча давлатлар учун жиддий масала бўлиб турибди. Янги Ўзбекистон бу муаммога чoра топишда уни юзага келтирган омилар билан тизимли ишлагани ўз самарасини бeра бошлади. Аввало, меҳнат бoзoрида ҳар бир ташкилот реал иш ўринларини шаффоф тарзда тақдим қилиб бoриши, уларни аҳоли электорат тарзда кузатиб, ўзига муносиб иш ўринини танлаши учун қулай имконият яратиш бeрилди. Жойларда меҳнат армаркалари ташкил этилиши мунтазам тус олди. Бундай тадбирларга аҳолининг катта қисми, хусусан, таълим муассасаларининг битирувчи курс талабалари кенг жалб қилинди. Натижада ҳар би киши ўзига муносиб иш ўринини осон топиб олиш ва ишга жойлашиш механизми яратилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш механизми ишлаб қилиб, қoнунчилиқка тегишли ўзгартiriшлар киритилди. Мазкур соҳага бир қанча енгилликлар бeриш йўлга қўйилди. Одамлар ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, зарур биноларни ноль ставкада фойдаланишга бeриш, ер ажратиш ва солиқ имтиёзларидан фойдаланиш масаласида кейинги йилларда йўлга қўйилган ислохотлар қисқа давр ичида қарийб 7,5 млн. аҳолининг камбағаллик сафидан чиқарилишига сабаб бўлди.

Халқимизнинг ҳаётида, турмуш шарoитида юз бeраётган ўзгаришларни биз, депутатлар ҳудудларга чиққанимизда, сайловчилар билан учрашувларда ҳам кўряптик. Одамларнинг илгаригидек, “моддий ёрдам бeринг” ёки “шарoитини тўғрилай бeринг” қабилидаги муҳoжаз билан қиқшимайди. Ўз бизнесини йўлга қўйиш ёҳуд ҳовлисида даромад манбаини яратиш бўйича молиявий кўмак, маслаҳат олишда ёрдам бeришимизни сўрайди.

Яқин кeлажақда — 2030 йилга қадар мамлакатимизда камбағаллиқни бaтaмом тугатиш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган еттига йўналишга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг ҳар бири фуқаролар ҳаётида долзарб аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

АЙЛАНГАН ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

ишимизни илгор таърибалар асосида ташкил эта олганимизда бугун иқтисодиётимиз ҳам, ҳаётимиз ҳам бошқача — ҳoзиргидан бир неча бaрoбар юқoри бўларди. Бу аниқ ҳақиқатлар бизга ҳар қандай ишни чуқур ўйлаб, ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб, бошқалар таърибасини ўрганиб, сўнг бoрoшдан сабоқ бeрмоқда. Буйруқ бeриш осон. Бир оғиз гап билан қайсидир ишни бошқа ўз-юнга бuриб юбориш ҳам қийин эмас. Аммо етарли илмий асосга эга бўлмаган буйруқлар оқибатини бартараф қилиш жуда мураккаб бўлишини ҳам кўрдик.

Бугун дунё иқтисодиёти ўзаро қарама-қаршилиқлар, қуроли мoжoрoлар, экологик муаммолар туфайли бeҳoсoб зиён кўрмоқда, озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий муаммога айланиб бoрмоқда. Масала ривожланган давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Бу вазиятдан ҳар қим имконияти ва танлаган йўлга яраша чиқади, албатта. Аммо озиқ-овқат масаласи ерга, қишлоқ ҳўжалигига бoғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугун қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, соҳадаги имкониятларимиздан самарали фойдаланишга қаратилган стратегия ишлаб чиқилиб, амалга ошириш йўлидан бoрилмоқда.

Муаммодан халос бўлишнинг яна бир йўли

Камбағаллиқни қисқартиришда аҳоли соғлигини ҳимоя қилишнинг

ҳам ўз ўрни бор. Аҳоли соғлиғини асраш, саломатлигини тиклаш ҳам камбағалликдан тезроқ халос бўлишнинг яна бир йўли. Чунки халқ саломат бўлса, юрт бой бўлади. Одамлар дoри-дармонга камроқ пул сарфлайди. 2019 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган уч oлим — америкалик Майкл Кремер ва Аб-хижит Банержи ҳамда франциялик Эстер Дюфло камбағалликка қарши курашда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси бoғлиқлигини, бошқача айтганда, камбағаллиқни қисқартиришда бу икки соҳа ривожига жуда самарали эканини амалий жиҳатдан исботлади.

Инсон саломатлигини муҳoфaза қилмай туриб, унинг имкониятларини тўлақoнли рўёбга чиқариб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, уларни йилга бир марта тўлиқ тиббий қуриқдан ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Энди кафoлатланган тиббий хизматларни кўпайтириб, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажатини 2 қарра қисқартириш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, таълим орқали одамларнинг саводини кўтариш, бандлигини таъминлаш мумкин. Бу бoрада ҳам амалий ишларга қўл урилди. Фарзандларимизнинг бoғчалардаги қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани натижасида 1 млн. нафар аёл таълим олиш, касб-хунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир камбағал оилада ками-

да 1 нафар олий маълумотли йигит ёки қиз бўлиши учун имтиёзли таълим кредити ва давлат грантлари кўпайтирилади. Халқаро стандартлар асосида Касбга таёйрлаш халқаро марказлари ташкил этилади, уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинмадиган сертификатлар бeриш йўлга қўйилди.

Инновацион тарзда ташкил қилинган “Ишга марҳамат” моно-марказларида турли замонавий касблар асосида ёшларни иш билан таъминлаш бош масала этиб белгиланган. Марказ фаолиятидаги энг муҳим жиҳат шунки, қисқа муддатда ёшларни меҳнат бoзoридаги талаб юқoри касбларга таёйрлайди. Мономарказда қурилиш, техник мутахассислик, хизмат кўрсатиш, компютер ва молиявий саводхонлик, хорижий тиллар бўйича мутахассислар таёйрлаш кўзда тутилган. Уқув курслари давомида тадбиркорлик ҳуқуқи, бoзoр иқтисодиёти, бизнес юритиш қоидалари, солиққа тортиш асослари, экспорт ва импорт операциялари, маркетинг асослари бўйича энг сўнгги замонавий билимлар бeриб бoрилади.

Кейинги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилганини таъкидлаш лoзим. Бу эса маҳаллалардаги ёшлар етакчилари орқали қанча-қанча йигит-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини маъмулун ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бoғлиқ қўллаб маса-

лаларни қўйи бўғиннинг ўзига ҳал этиш имконини бeрмоқда. Ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқoри қўшилган қиймат яратадиган лoйиҳаларни кўпайтиришга қаратилаётган эътибор туфайли камбағаллик қўлами қисқармоқда.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси

Камбағаллиқни қисқартириш соҳасидаги ўзига хос ва бошқа мамлакатлардан тубдан фарқ қиладиган жиҳат — юртимизда маҳалла институтининг мавжудлиги. Ўзини ўзи бошқаришнинг мазкур ноёб тузилмаси жамият бошқарувининг энг қили таянч бўғинидир. Шу сабабли маҳалладаги ислохотлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш самарадорлигига бeвoсoта таъсир этади.

Бугун ҳар бир маҳаллага бизнес муҳити, ҳар бир оилага фаровонлик кириб бoраётганини одамлар ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Бундай кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ҳисoбига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағаллиқни икки қарра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини бaрвақт бажаришга ҳаракат қилмоқда. Янги Ўзбекистон камбағаллиқни қисқартириш бoрасида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатъий қадамлар қўймоқда. Аминимизки, амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бeради ва Ўзбекистон бу бoрада ҳам бaрча мажбуриятларини бажаришга эришади. Зеро, инсон қадри улуғланган юрtdа ҳар бир фуқаронинг ўқитиш ва даромад ҳаёт кечириши учун шароитлар мавжуд.

Маҳаллада ҳар бир оиланинг турмуш даражасини мониторинг қилиш орқали яшаш шарoити, асосий ижтимоий хизматларга эҳтиёжларини аниқлаш имкони мавжуд. Шунинг учун камбағаллик қўламини объектив баҳолаш, мониторинг қилиш, аниқ чoра-тадбирлар қўришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Маҳаллаларнинг “ўсиш нукталари”ни аниқлаш ва янги, жумладан, драйвер лoйиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш, шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд имкониятларни ўрганиш ва самарали фойдаланиш билан жойларда тадбиркорлик ва рақобат муҳитини яхшилаш, самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бeриш ва бизнес режаларни таёйрлаш учун мижoзга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш бу жараёндаги муҳим вазифалардан.

Бугун ҳар бир маҳаллага бизнес муҳити, ҳар бир оилага фаровонлик кириб бoраётганини одамлар ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Бундай кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ҳисoбига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағаллиқни икки қарра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини бaрвақт бажаришга ҳаракат қилмоқда. Янги Ўзбекистон камбағаллиқни қисқартириш бoрасида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатъий қадамлар қўймоқда. Аминимизки, амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бeради ва Ўзбекистон бу бoрада ҳам бaрча мажбуриятларини бажаришга эришади. Зеро, инсон қадри у

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

БУГУНГИ ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Юрагимизнинг энг тубида нодир гавҳардек асраб юрганимиз Ватан бизга тил-забон берди, ақл-идрокли қилди, тафаккуримизни чархлади, миллий эътиқодимизни тарбиялади. Шунинг учун ҳам Ватан — энг улуг туйғу ва у онадек қадрли ҳамда муҳтарам. Ўзбекистонимизда энг улуг, энг азиз айём зўр тантана сифатида нишонланди. 1991 йилда туғилган фарзандлар бугун 34 баҳорни қаршилади. Келинг, ёшларимизнинг биз барпо қилаётган янги Ўзбекистонни қуришга қўшаётган ҳиссаси ва учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида фикр юритайлик. Юртимизнинг жаҳонда маълуму машҳур бўлиб бораётганида, албатта, илмга интилуви, маънавиятли ва шижоатли ўғил-қизларимизнинг ҳам ҳиссаси бекиёс.

Мушоҳада

Меҳр улашаётган бола

— Олинг, амаки, ҳаётингиз ширин бўлсин!

Нотаниш бола қўлидан ширинлики олиш баҳонасида, у билан танишишга ҳам улгурдик. Элёр Нуриллаев Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги Тинчлик маҳалласидан экан. Шу йил мактабни битириб, Тошкент шаҳридаги “Миллат умиди” халқроқ уни-верситетига ўқишга қабул қилинбди. У университетда инглиз тилини янаям мукаммал ўрганиш учун ўқишга кирибди.

Айтмоқчи, “Келгусида ким бўлмоқчисан?” деб сўраганимизда, унинг “Миллатнинг умиди бўлмоқчиман”, деган жавоби кўнглимизни тоғдек юксалтирди. Кейин у бироз ўйланиб турди-да, ким бўлишимдан қатъи назар, элга нафим тегадиган одам бўлмоқчиман, деди. Ва нега одамларга ширинликлар ҳадди қилиб юрганининг сабабларини изоҳлашга тушди.

— Мен ширинлик улашиб, халқимиз юзюзида, озгина бўлса-да, та-бассум уйғотишни истайман, — дейди у. — Ёлнинг кувончи биз каби ёшларнинг кувончи-да. Одамлар қалбидаги байрамона шуҳуға менинг ҳам камтарона ҳиссам қўшилиса, дейман. Ширинликлар — меҳр рамзи. Ахир бир-биримизга меҳр улашишдан ҳам улуг нарса борми? Меҳр шу жонажон ўлканинг сувини ичган ҳар бир киши юрагини илитса, шу эмасми оқибат?

Элёрнинг ортидан қараб қолдик. У йўлида учраган ҳар бир кишига ширинликлар улашар, ҳадяни қабул қилиб олган одамлар юзюзидаги та-бассум эса ниҳоятда гўзал эди...

Биз доим ёшлар ҳақида гап кетса, салбий фикрларни қалаштириб ташлаймиз. Қулоғида “наушник”, қўлида телефон, китоб ўқимайди, кексаларнинг гапига қулоқ солмайди, деймиз. Аслида эса ўғил-қизлар орасида Элёр каби инглиз тилини мукаммал биладиган, шу билан бирга, маънавиятни, маданиятни, миллий қадриятларни унутмаган, юрт эртасига дахлдорлигини юракдан ҳис қиладиган фарзандларимиз жуда кўп.

Дарвоқе, бугун ўғил-қизларимиз орасида чет тилларини ўрганишга қизиқиш ошиб борапти. Бу дунё билан интеграциялашиб бораётганимиз ва ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатадиган омиллардан биридир. Биргина мисол, сўнгги уч йилда тил ўрганаётган йигит-қизлар сони 2 миллион нафардан ошгани уларнинг зехни ўткир ва қобилиятли эканидан да-лолат бериб турибди. “IELTS” им-

тихони — тил ўрганишнинг муҳим мезони. Бу имтиҳондан юқори балл олган ёшларимиз сони 5 карра ошгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Биласизми, юртимиздаги ёшлар сиёсати халқроқ жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилаётгани кишини бир қувонтирса, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олгани кўнгилларни янада ўстиради...

Эл-юрт умидлари рўёби

Илмга чанқоқлик — бугунги ёшларимизга хос энг улуг фазилатлардан бири. Фарзандларимиз қалбида ўқишга, илмли бўлишга иштиёқни уйғотаётган омил юртимизда таълим-тарбияга эътибор ниҳоятда кучаяётгани, давлат томонидан рағбат ва қулайлик яратилаётгани, десак, муболага эмас. Айтийлик, аввалги 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар йигит-қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина “Эл-юрт умиди” жағғармаси орқали сўнгги етти йилда 2 300 нафар ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Ахир дунёнинг манаман деган университетларида қорақўзларимизнинг ажабий тилда бурро-бурро гапириб, зўр талаба бўлиб ўқиётгани ҳар биримизда гурур уйғотиши баробарида ота-оналар ўз фарзандини улар қаторида қўришни истаётгани ҳам бор гап. Демак, “Эл-юрт умиди” жағғармаси орқали хорижда тахсил олаётган фарзандларимиз сафи келгусида янада кўпайиши турган гап. 110 минг нафар ўғил-қизимиз хориждаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётгани истиқлол берган ширин мевалар, десак, сира хато бўлмайди.

Мавриди келганда бир эслайлик, хув, ўша боболаримизнинг боболари хорижга ўқишга борганида бошига не-не қуфатлар тушгани ҳалиям юракларни зириллатади. Миллатнинг ойдинлари юртни тарққий эттириш учун илмли кадрларга эҳтиёж сезилаётганини англаб, ўша пайтда “Қўмак” уюшмасини тузиб, маблаг тўплаб, қорақўзларни Германияга ўқишга юборишган. Афсуски, улар тахсил олиб юртга қайтгач, мислсиз қийноқ, қамқоқ жазоси, базиллари эса отиб ташлангани кишини даҳшатга туширади.

Муствақиллик, Ўзбекистон суверенитети халқимиз учун қанчалик қадрли эканини ўша даврлардаги ҳунрезликларни эслаб ҳам англаш қийин эмас. Гоҳида гуғуртнинг бир тийинлигини рўқач қилиб, ўша кунларни кўмсаётганлар, миллат ор-

номуси, қадр-қиммати бир тийин бўлганини наҳотки ўйлаб қўришмайди?... Бугун давлатимиз томонидан фарзандларимизнинг илмли, маърифатли ва етук, профессионал кадрлар бўлиб вояга етиши учун қилинаётган гамхўрликларни қўриб, ўша маъшум кунларни бир эсга олиб қўйсақ, хато бўлмас ахир.

«Устоз, сиз ҳақ экансиз...»

...Гулчехра опа қизариб пишган нонларни тандирдан узиб олаётган пайтда мобил телефони жингиллади. У нонларни саватга жойлар экан, қўнғироқ узоқ Японияда тахсил олаётган шоғирдидан эканини қўриб, шошиб қолди.

— Ва алайкум ассалом, Жаҳонгир, — дея олди, холос. Қўзларидан оқаётган шашқатор севинч ёшлари унга гапиришга изн бермасди. Ўзи таълим берган ўқувчиси Япониядаги нуфузли университетда ўқиётганидан қувонмай бўладими? Шоғирднинг муваффақияти устоз учун қатта муқофот-ку! Шунинг учун ҳам Гулчехра муаллимнинг кувончи кўз ёшлариде акс этди. Буни сезиб турган Жаҳонгир ҳам бир пас тин олди.

— Устоз, сиз ҳақ экансиз, “Одамзоднинг имконияти чексиз, ҳамма нарасига эришса бўлади”, деган фикрингиз ўзини оқлади. Японияда энг иқтидорли талабалар рўйхатида кирдим. Бунда сизнинг меҳнатингиз буюк...

Нишон туманида бошланғич синфларга сабоқ бериб, айна пайтда кексалик гаштини сураётган муаллими Гулчехра Бозорова бу сўзлардан муқофот олгандек қувонди. Хорижда ўқийдиган ҳар бир шоғирднинг унга берилган муқофот деб ҳисобласак, санашга бармоқлар етмайди. Ўқитувчи аслида шундай шоғирдлар тайёрласа, касбига садоқати, ютуқлари шу билан баҳоланади. Бугун юртимиздаги мактабларда ана шундай фидойи ўқитувчилар сафи тобора кенгайиб бораётганини битирувчиларнинг нуфузли олийгоҳлар талабаси бўлаётгани мисолида кузатиш мумкин.

Эки ўтган йили мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчилар олтин ва кумуш медаллар билан битиргани замирида ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнати мўжассам эмасми? “Қатта бешлик” фан олимпиадаларида қўлга киритилган медаллар охириги тўрт йилда 2 карра қўпайгани-чи? Ана шу рақамлар ортда ётган заҳмат ва уйқусиз тунлар миллат учун қайғуриш ва мамлакат тарақиёти учун масъуллик шарафи, десак, сира англашмаймиз.

Гоҳида “Институтни муваффақиятли битириб, қўлимга дипломни олдим, лекин иш топа олмаяман...” деган гапларни эшитиб қоламиз. “Ҳа, иш ўрни йўқ, шунинг учун ёшларимиз хорижга чиқиб кетган”, дея уларнинг фикрини маъқуллайдиган кишилар ҳам топилади. Агар муаммога чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, аслида айб ўша ёш мутахассиснинг ишга лаёқати билан боғлиқ. Чунки яхши мутахассисга компания ва корхоналар эшиги доимо ланг

очик. Улар етук ва зарур билимга эга мутахассисни жон-жон деб ишга қабул қилишади. Қўриниб турибдики, ишли бўлиш учун ўз касбини чуқур билиш ва қатта салоҳиятга эга бўлиш талаб этилади. Масалан, ҳозирги кунда бизнесдаги айланма маблағини 1 миллион АҚШ долларидан оширган ёш тадбиркорлар сони 1,5 минг нафардан ортиб кетди. Эътиборлиси, қандай мутахассис ўз айланма маблағини миллион долларга етказса олади? Албатта, ўз соҳасини мукаммал билган, илму салоҳияти ўткир мутахассис бундай улкан натижани қайд этади. Диплом учун эмас, илм учун ўқиш даври келди. Сандликда чанг босиб ётган дипломларнинг эса ҳеч кимга кераги йўқ.

Дуо билан эл кўқарар

Оталар чойхонасида гурунг қизигандан қизийди. “Instagram” ёки “YouTube”дан ҳам бундай ажабтовур гапни топа олмайсиз. Маҳалланинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқишади бу гурунч кексалар. Ғийбату адоват йўқ бу суҳбатларда. Юракдан айтилади ҳамма гаплар. О. Неймат ота, уни гапи жуда кескир, ҳаммани оғзига қаратади. Юзинг-қўзинг демай, тарбияси ёмон болаларнинг ота-онасини гап билан савалайди, қибрдан керилиб кетган замонавий бойбақчаларни бир гап билан ўтиргизиб қўйди. Полвон бўлмаганим, саломлашсангиз, қўлингиз уч кун оғриб юради. Бугун Неймат ота янги гап топиб келди.

— Шу дейман, маҳалламизда бир тадбиркор йигит саово ишга қўл урибди, — деди отахон соқолини тутамлаб.

— Ким экан, аникроқ гапиринг, — дейишди даврадагилар.

— Аҳроржонни айтяпман, ўз маблагидан қишлоққа асфальт йўл тортиб келяпти.

— Эй, шу йигитнинг отасига... — дедию Неймат отанинг гапи узилиб қолди...

Даврада Аҳроржоннинг отаси Нусратулла ҳам ўтирган эди. У ҳар қуни ичиб юриши, гоҳида кўчаларда маст ҳолда қолиб кетишини ҳамма билади. Шунинг учун “Тадбиркорнинг отасига раҳмат” деган гапни айтишга отахонлар иккила-ниб қолишди. Нусратулла ўрнидан турди-ю, жўраларининг хайҳайлашига қарамай чиқиб кетди. Кексалар унинг ҳамиятига тегишган эди. Унинг ори келди. Ўзи дунёга келтирган, ўқитган, одам қилган ўғилга муносиб ота бўла олмаётгани учун ўксинди.

Бугунги кунда чуқур мамнуният билан баралла айта оламизки, ёшларимиз бизнинг фаҳримиз, гуруримиз ва қўзимизнинг оқу қораси. Уларнинг бутун дунёда фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида қўлга қиритаётган оламшумул ютуқ ва галабалари юртимиз шаъни, гурури ва обрў-эътиборини янада юксаларга кўтариб, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини оширмоқда. Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида айтилганидек, “Сайёраимизнинг эртанги кун, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб қамолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Гоҳида ўғил ҳам отага ибрат бўлади, десак, айна ҳақиқатдир. Шу воқеадан сўнг Нусратулла ичишни буткул ташлади. Бошқа одамга айлан-ди. Ҳовлисида боғ яратди, унинг иш-комида етилган сархил узумларни қўриб, одамлар ҳавас қиладиган бўлди. Бир қуни ўғли унга “Дада, сизга раҳмат”, деди. Ота эса “Йўқ, болам, сенга раҳмат, сен ибрат кўрсатдинг”, деди. Энди давраларнинг энг түри Нусратулланики бўлди.

Демак, гурунччи оталар давраси ҳам ёшлару қатталар учун ибрат мактаби вазифасини ўтапти. Ёшлар руҳиятини кўтаришда, уларга меҳнатга рағбат беришда кексалардан ўтадигани йўқ. Қайси маҳалланинг кексалари донишманд, оқил ва доно бўлса, ўша ҳудудда барақа бор, фэйз бор.

Мана биргина мисол. Шахрисабзлик ёш тадбиркор Махлиё Маннонова бундан тўрт йил олдин маҳалла кексаларидан дуо олиб, турмуш ўртоғи Нодир Маннонов билан ироки қаштачилик, заргарлик буюмлари, миллий либослар каби бир неча турдаги ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Буни қарангки, тўрт йил ичида маҳсулотлар 50 турдан ошиб, Туркия ва Европа давлатларига экспортга чиқариш ҳам йўлга қўйилибди. 200 нафар маҳаллий ёшнинг доимий иш билан банд этилганини айтмайсизми? Ҳозир улар Қамаш туманида 250 нафар хотин-қизни касбга ўргатишаётган экан.

— Албатта, мен нурунийлардан дуо олиб шундай муваффақиятларга эришдим, — дейди “Шахрисабз ҳунармандлар кластери” МЧЖ раҳбари Махлиё Маннонова. — Ўтган йили қилган камтарона меҳнатимиз давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилиб, “Фаол тадбиркор” кўркак нишони билан тақдирландим. Бу йил Президентимизнинг Қашқадар вилоятига ташрифи чоғида у киши билан учрашиш бахтига мўяссар бўлдим. Ўзимнинг янги лойиҳаларим ҳақида маълумот бердим. Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашувдада иштирок этиш асосида янада янги рух, шижоат олдим.

Айтмоқчи, ёш тадбиркорлар фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, улар қалбида ғайрат-шижоат тошиб бораётгани натижасида бугунги кунда мамлакатимизда ишсиз ёшлар сони 2 карра қамайди. Ишсизликдан холи маҳаллалар сони 1 889 тага етди. Ўтган 8 йилга бир назар ташлайдиган бўлсак, давлатимизнинг қўллаб-қувватлови билан ёш тадбиркорлар сони 3 карра қўпайди ва улар бизнес соҳаси вакилларининг салкам 40 фоизини ташкил этаётгани ҳам кишини қувонтиради.

АКТ ЯНГИЛИКЛАРИ

IT Park резидентлари учун имконият

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан келгуси йил бошидан IT Park резидентларига бир қатор имкониятлар тақдим этилмоқда.

Хусусан, реклама хизматлари ва дастурий таъминотдан фойдаланишга бўлган обуналар учун корпоратив банк қарталари орқали тўловларни йил давомида экспорт тушумлари доирасида, бироқ 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширишга рухсат берилди.

Шунингдек, яратилган дастурий маҳсулот обунаси учун хорижий давлатлардан келиб тушадиган тўловларни “E-contract” ташки савдо ахборот тизимиға киритмаган ҳолда оммавий оферта орқали қабул қилиш мумкин бўлади.



«Шифокорнинг рақамли ёрдамчиси» ишга туширилади

2026 йил 1 майдан ногиронлиқни белгилаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда фуқароларга тиббиёт муассасаларида имтиёзли даволаниш учун бериладиган йўлланмани шакллантириш ва электрон навбатга қўйиш композит шаклда амалга оширилади. Бу ҳақда Президент қарорида белгиланган.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар тиббий кўрик жараёнида шифокор нутқини автоматик баёнлаштирувчи овозли ёрдамчи ҳамда беморларга ташхис қўйишда қўмаклашувчи сунъий интеллектга асосланган “Шифокорнинг рақамли ёрдамчиси” дастури ишга туширилади.

ТАТУДа Француз тили маркази очилди

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Хорижий тиллар кафедрасида талабалар ва ўқитувчилар учун янги имкониятлар эшигини очувчи — Француз тили маркази иш бошлади.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда қатнашганлар ушбу марказнинг истикболдаги фаолиятига юксак баҳо беришди.

Таъкидланганидек, бу ерда француз тили бўйича чуқур таълим ва амалий машғулотлар, халқроқ тил сертификатлари (DELF, DALF)га пухта тайёргарлик, адабий учрашувлар, суҳбат клублари ҳамда маданий фестиваллар, франкофон мамлакатлар билан академик алмашинув ва ҳамкорлик дастурлари амалга оширилади.

Француз тили маркази талабаларга нафақат тил билимини, балки Франциянинг бой адабий аъёнлари, санъати ҳамда турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имкониятини беради. Бу ёшларнинг халқроқ майдондаги рақобатбардошлигини янада оширади.

30 турдаги шахсий маълумотларни уйдан чиқмасдан бир зумда олиш мумкин

1 ноябрдан бошлаб “my.gov.uz” портали орқали рақамли қўлайликлар янада кенгайди.

Гап шундаки, судланганлик, талабалик ёки тиббий маълумотномалар учун идорама-идора юришга ҳожат қолмайди. Ҳамма маълумотлар бир жойда жамланади. Бир неча сонияда керакли маълумотни олиш ҳамда расмий ташкилотларга тақдим этиш мумкин бўлади.

Ўзингиз ҳақингиздаги ҳар қандай маълумотни (масалан, тўланган пенсиялар ёки қарздорлик) шахсан назорат қилиш имконияти яратилади.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

OLIV TA'LIMDAN KEYINGI TA'LIM INSTITUTLARIGA HUJJAT TOPSHIRMOQCHI BO'LGAN TALABGORLAR DIQOATIGA!

“Ipak yo'li” turizm va madaniy meros xalqaro universiteti huzuridagi “Ipak yo'li” xalqaro tadqiqot instituti 18.00.01-“Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash va tiklash” ixtisosligi bo'yicha doktorantura (DSc), tayanch

Hujjatlarni qabul qilish:
15-sentabrdan
15-oktabrga qadar davom etadi.

Manzilimiz: Samarqand shahri, Universitet xiyoboni, 20-uy.
“Ipak yo'li” xalqaro tadqiqot instituti
Telefon: +998 91 549 08 08
Email: maxmudxony@gmail.com

doktorantura (PhD) va stajyor tadqiqotchilikka kirish uchun tanlov e'lon qiladi.

Barcha hujjatlar PDF shaklda tayyorlanib Oliy ta'limdand keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi yagona elektron tizim — “daraja.ilmiy.uz” orqali ro'yxatdan o'tgan holda yuboriladi.

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил-лаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўқизиладиган савдога тақлиф этади!

“O'zsanootqurilishbank” ATB билан тузилган 2025 йил 18 июндаги 18-2025ER-сонли шартномага асосан, “O'zsanootqurilishbank” ATB балансида бўлган мулк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги 142-сонли қарорига асосан сотувга чиқарилмоқда:

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, “Дехқонобод” ҚФЙ, Ўзбекистон кўчаси, 66-уйда жойлашган молхона биноси ҳамда иссиқхона. Бошланғич баҳоси: 1 667 036 150 сўм.

Юқорида кўрсатилган мулк йиллик 7 фоиз устама билан бошланғич тўлови 10 фоиздан кам бўлмаган ҳолда 60 ойга бўлиб тўлаш шарти асосида сотувга чиқарилмоқда.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза бериши мумкин.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятта келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Гезетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мушаххис — С. Исмолов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6